



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 24 октябрь, № 226 (8569)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 октябрь куни АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) администратори Саманта Пауэр бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Делегация Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШнинг вазирлар даражасидаги тараққиёт масалалари бўйича учрашувда иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турибди.

Конструктив ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистонда USAID билан ҳамкорликда соғлиқни сақлаш, таълим, “яшил” энергетика, агробизнес ва бошқа йўналишларда бир қатор лойиҳалар рўёбга чиқарилгани ва давом эттирилаётганини таъкидлаш жоиз.

Сухбат чоғида жорий йилнинг сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеяси сессияси доирасида бўлиб ўтган “C5+1” форматидаги давлат раҳбарлари саммитида эришилган келишувларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЮНЕСКО ИЖРОИЯ КЕНГАШИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН АХБОРОТДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДАГИ РЕЗОЛЮЦИЯНИ БИР ОВОЗДАН МАЪҚУЛЛАДИ

Шу йилнинг 4 — 18 октябрь кунлари Парижда бўлиб ўтган ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг 217-сессиясида Ўзбекистон ташаббуси — “Халқаро ахборотдан эркин фойдаланиш кўни муносабати билан Тошкент декларацияси” резолюцияси бир овоздан маъқулланди.

Биз ва жаҳон

Тошкент декларацияси 2022 йил 28-29 сентябрь кунлари ЮНЕСКО билан биргаликда Халқаро ахборотдан эркин фойдаланиш кўни муносабати билан Тошкентда ўтказилган “Сунъий интеллект, электрон

бошқарув ва ахборот эркинлиги” мавзусидаги халқаро конференция якунлари бўйича қабул қилинган.

Халқаро ахборотдан эркин фойдаланиш кўни 2019 йилда тасвир этилганидан бери биринчи марта глобал дара-

жада нишонланмоқда. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 28 сентябрь — Халқаро ахборотдан эркин фойдаланиш кўни, деб эълон қилинган.

Резолюция лойиҳаси аъзо давлатлар томонидан Ижроия кенгашининг 217-сессияси кун тартибига янги масала сифатида киритилган асосий ҳужжатлардан бири бўлди. Ҳужжатга 20 та давлат, жумладан, Андорра, Жазоир, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Кувайт, Миср, Мароккаш, Сурия, Судан, Тунис, Фаластин, Палау, Шри-Ланка, Венгрия, Ливан, Либе-

рия, Зимбабве ва Чили ҳаммуаллиф бўлди.

Резолюцияда Ўзбекистон Ҳукумати Халқаро ахборотдан эркин фойдаланиш кўни муносабати билан Тошкент шаҳрида (2022 йил 28-29 сентябрь) бир қатор тадбирлар ташкил этгани учун миннатдорлик билдирилган. Ҳужжат, шунингдек, бош директори Тошкент декларациясида белгиланган инсон ҳуқуқлари ва барқарор ривожланишни рағбатлантириш учун ахборотдан фойдаланишга ёрдам берадиган фаолиятни қўллаб-қувватлашга чақиради.

Ҳужжатга мувофиқ “Ахборотдан эркин фойдаланиш бўйича Тошкент декларацияси”ни тасдиқлаш юзасидан бош конференциянинг 42-сессияси (шу йил 7 — 22 ноябрь, Париж ш.) кун тартибига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ижроия кенгаш резолюцияси ЮНЕСКО бош конференцияси томонидан ҳам қўллаб-қувватланган ҳолда (умумий маъқуллаш) қабул қилиниши кутилмоқда.

«Дунё» АА.
Париж

Сенат ва ҳаёт

ТАДБИРКОРЛАР МУРОЖААТЛАРИ ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш учун янада қулай шарт-шароит яратиш, соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича изчил ислохотлар олиб борилмоқда. Мухими, ушбу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётир. Бунинг кўрсаткичи бўлиб мазкур соҳа қанчалик ривожлангани мисолида ҳам кузатсак бўлади.

Айни жараёнда эса барча давлат идоралари фаол иштирок этаётир. Хусусан, Олий Мажлис Сенати томонидан нафақат аҳолини, шу билан бирга, тадбиркорларимизни қийнаб келаятган муаммоларни эшитиш ва уларга ечим топиш чоралари кўриб келинапти.

Мисол учун, яқинда бир гуруҳ тадбиркорлар томонидан Олий Мажлис Сенати Раиси номига йўлланган мурожаат келиб тушганди. У Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси томонидан назорат олинди ва ўрганилди.

Ўрганишлар давомида мурожаатда кўтарилган масалалар бўйича Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Бохона қўмитаси ҳамда Адлия вазир-

лигига сенатор сўрови юборилди.

Мазкур сенатор сўрови юзасидан қўмитада ишчи гуруҳи йиғилиши ўтказилиб, унда соҳа мутахассислари ҳамда Сенат девонининг тегишли бўлиб ходимлари иштирокида масала атрофлича муҳокама қилинди.

Муҳокама натижаларига кўра тадбиркорлик субъектларини фаолиятини ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга давлат томонидан енгилликлар яратиш, шунингдек, уларнинг фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Ушбу мурожаат юзасидан Сенат қўмитасининг жавоб хати тайёрланиб, тадбиркорларга юборилди.

«Халқ сўзи».

Қонунчилик палатаси фракцияларида

ФУҚАРОЛАР МАНФААТЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ ВА САМАРАЛИ КАФОЛАТИ

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилган саралов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижара муносабатлари ва пенсия таъминоти борасидаги ҳуқуқларини

мустаҳкамлаш, болалар манфаатларини кафолатлаш, олис ҳудудларда интернет ва алоқа қамровини ошириш учун шароитларни кенгайтиришга қаратилган бир қатор муҳим қонун лойиҳалари дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Шунингдек, фракциялар фаолиятига тааллуқли бошқа масалалар ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

Фуқароларнинг пенсия таъминотига оид ҳуқуқлари мустаҳкамланмоқда

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси

йиғилишида дастлаб депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига саралов ва референдум

ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳасини кўриб чиқилди.

Депутатларнинг фикрича,

ушбу Конституциявий қонун лойиҳасининг қабул қилиниши сиёсий партиялар ва депутатлар ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланишига, партиялар мавқеи ҳамда саралов органларининг профессионаллик даражаси янада ошишига йўл очади.

Йиғилишда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига фуқароларнинг ижара муносабатлари ва пенсия таъминоти борасидаги ҳуқуқларини мустаҳкамлашга қаратилган ўзгартришлар ки-

ритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан «Ижара тўғрисида»ги Қонунга ижарачининг ногирон бўлиб қолганлиги ижара шартномасини тугатиш учун асос бўлиши бекор қилинишини, шунингдек, қонунда қўлланилган айрим тушунчаларни амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартришлар киритилмоқда.



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЁШЛАР ФОРУМИ — навқирон авлод ҳуқуқларини таъминлашдаги янги босқич

Пойтахтимизда «Ёшлар ҳуқуқлари: имкониятлар ва ҳимоя қилиш механизмлари» мавзусида халқаро форум бўлиб ўтди. Анжуман ноанъанавий тарзда — маънавий-бадий сахна намойиши билан бошланди. Мухташам мажлислар зали узра Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовнинг «Инсон қасидаси» иқтидорли ёшлар ижросида ўзбек, инглиз ва рус тилларида янгради.

Анжуман

Ушбу халқаро анжуман дунё ҳамжамияти томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўни деб эълон қилинган тарихий сана — 24 октябрь арафасида ўтказилаётганида ўзига хос рамзий маъно бор. Мазкур форум Президентимизнинг тегишли Фармони билан тасдиқланган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури» доирасида ўтказилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов халқаро форумни очиб, анжуманнинг ўзига хос хусусиятлари, долзарблиги ва муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Форум иштирокчиларини БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссияси Фолькер Тюрк ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХТТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Маттео Мекаччи видеомурожаат орқали табриклади.



ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ҚУЛАЙ МАЙДОН

Самарқанд шаҳрида Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ)га аъзо мамлакатлар инсон ресурсларини ривожлантиришга масъул идоралар раҳбарларининг II йиғилиши ўтказилмоқда.

Тадбир

“Silk road Samarqand” халқаро туризм марказида бўлиб ўтаётган мазкур тадбирда ТДТга аъзо давлатларнинг инсон ресурсларини ривожлантиришга масъул идоралар раҳбарлари, мамлакатимиздаги тегишли вазирлик ва идоралар, хоржий ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашапти.

Таъкидланганидек, ушбу тадбир давлат хизматини ривожлантиришда салоҳиятли кадрлар захирасини шакллантириш муаммолари, истеъдодлиларни давлат хизмати-га жалб қилишнинг замонавий ҳамда самарали механизмларини муҳокама этиш, шунингдек, бу борада ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун қулай майдон яратади.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Отабек Ҳасанов, Туркий давлатлар ташкилоти бош қотибнинг ўринбосари Саъди Жафаров очиб берди.

— Анжуманнинг асосий мавзуси инсон ресурслари, уларни ривожлантириш ва самарали бошқаришга қаратилган, — дейди Саъди Жафаров. — Бу борада Ўзбекистонда халқ давлат учун эмас, давлат халқ учун хизмат қилиши керак, деган тамойил асосида катта ислохотлар олиб борилмоқда. Бунинг қўйи тизим бўлган маҳалларда ҳам кўриш мумкин. Натижада ушбу соҳада изчил ривожланиш тенденцияси кузатиляпти. Ўзаро тажриба алмашишда бу борада Ўзбекистон эришяётган натижаларга алоҳида урғу берилди.



■ Муносабат

Янги ташаббуслар Ўзбекистоннинг дунё миқёсидаги ўрнини янада мустаҳкамлайди

Бугунги кунда мамлакатимизда янги Ўзбекистон ғояси асосида олиб борилаётган изчил ислохотлар ва халқаро миқёсда илгари суриб келинаётган ташаббуслар унинг минтақа ҳамда дунё ҳамжамиятидаги мавқеи ва ўрнини тобора юксалтирмоқда. Натижада мамлакатни модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ва ортга қайтмас ислохотлар ҳамда фаол ташқи сиёсат нуфузли халқаро ташкилотлар ва давлатлар томонидан ҳақли равишда эътироф этилаётир.

Бун и яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Хитойнинг Пекин шаҳрида ўтказилган “Бир макон, бир йўл” III халқаро форумида илгари сурилган долзарб ташаббусларни халқаро ҳамжамият илқ кутиб олгани ми-солида ҳам кўриш мумкин.

Ушбу форумда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш ҳамда кўплаб давлат ва ҳукуматлар раҳбарлари иштирок этганлигидан келиб чиқадиган бўлсак, бу кейинги йилларда Ўзбекистон халқаро майдонда ўзининг сўзи ва мустаҳкам ўрнига эга бўлиб бораётганлигини яққол кўрсатади.

Энди Форумнинг мақсадига келсак, бу орқали Буюк Ипак йўлини тиклаш ва шу йўналишдаги ҳамкорлишни янги-ча маъно-мазмун билан бойитиш ният қилинган бўлиб, бу бошқа давлатлар қаторида биз учун ҳам аини муддао-дир. Шу маънода, мазкур анжуман дунёдаги вазият ва рўй бераётган ҳо-ди-салар фонида нафақат минтақамизда, балки бутун дунёда геосийсий барқа-рорлиқни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади, десак, аини ҳақиқатдир.

“Яшил Ипак йўли” ташаббуси ости-да бўлиб ўтган ушбу форум дунёдаги иқлим ўзгариши оқибатида рўй бераёт-ган аномал об-ҳаво ва бунинг натижа-сида юзага келаётган қурғоқчилик ҳамда чанг бўронлар ва биохилмахил-лик йўқолишининг олдини олишга йўналтирилган дастурлар ижросини таъминлашда жуда катта аҳамиятга эга.

Тадбирнинг муҳим воқеаларидан бири сифатида “Марказий Осиёнинг “яшил” кун тартиби” ва “Яшил Ипак йўли” қўшма ташаббусларини илгари суриш асносида иқтисодий тармоқлар-ни рақамлаштириш, транспорт ва энер-гетика тармоқларида барқарор тизим-ни барпо этиш, “яшил” саноат қувват-ларини ишга тушириш, камбағаллиқни қисқартириш ҳамда “ақлли” қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни ўз ичи-га олган “яшил тараққиёт” қўлланма-сини ишлаб чиқиш тақлиф этилганли-гини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, мамлакатимиз етакчиси ўз нутқида “Бир макон, бир йўл” фо-руми барча иштирокчиларининг мавжуд муносабатларини кенгайтиришга қаратилган бир қатор тақлифларни ўртага ташлади.

Хусусан, “Макон ва йўл” дастурида иштирок этаётган мамлакатларни “яшил” махсулотлар, айникса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўзаро савдосидаги чеклов ва тўсиқларни ка-майитиш ҳамда “яшил” энергияга ўтиш бўйича музокараларни фаоллаштириш,

Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Суд-ҳуқуқ масалалари ва
коррупцияга қарши курашиш
қўмитаси раиси.



ҳасига кўра Болалар омбудсманини сайлаш тартиби жорий этилмоқда. Яъни у Қонунчилик палатаси ва Сенат томонидан депутат ва сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан 5 йил муддатга сайланади. Мазкур лавозимга 25 ёшга тўлган, камида беш йил республика ҳудудида муҳим яшашган Ўзбекистон фуқароси сай-ланиши мумкинлиги белгиланяпти ва номзод Олий Мажлис палаталарига Ўзбекистон Президенти томонидан киритилади.

Шунингдек, Болалар омбудсманининг асосий вазифалари ва Омбудсман маъ-рузаси Олий Мажлис палаталарининг мажлисларида ҳар йили эитилиши на-зарда тутиляпти. Омбудсман фаолияти-нинг асосий жиҳатлари ва муурожаатлар-ни кўриб чиқиш тартиб-таомиллари бел-гиланмоқда.

Муурожаат ва шикоятларни кўриб чи-қиш тартиби, шартлари, шикоятларга қўйиладиغان талаблар, ҳуқуқ ва мажбу-риятлар, Омбудсманнинг давлат орган-лари ва фуқаролик жамияти институт-лари билан ҳамкорлигига алоқадор ва-зифалар назарда тутилмоқда. Шу би-лан бирга, Болалар омбудсманнинг жа-моатчилик асосида фаолият кўрсатади-ган Қорақалпоғистон Республикаси, ви-лоятлар ва Тошкент шаҳридаги минта-

Аралаш сайлов тизими:

Муҳим қоидалар ва демократик ёндашув

Сўнгги вақтларда қабул қилинаётган қонунларнинг жамоатчилик муҳокамасига қўйилаётгани, ушбу жараёнда халқимиз фаол қатнашаётгани ҳамда ўз тақлиф ва мулоҳазаларини эмин-эркин билдираётгани ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳар жиҳатдан пишиқлигини, ҳаётийлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, янги Конституциямизга киритилган нормалар ҳам мавжуд қонунчилигимизга сингдирилмоқда.

■ Нуқтаи назар

Шу нуқтаи назардан айтганда, бир гуруҳ депутатлар ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Респу-бликасининг айрим қонун ҳужжатлари-га сайлов ва референдум ўтказиш тар-тибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси қўйи палатанинг яқин-да бўлиб ўтган мажлисида биринчи ўқишда қабул қилиниб, regulation.gov.uz порталига ҳамда parliament.gov.uz веб-сайтига умумхалқ муҳокамасига қўйил-ган эди.

Қайд этиш жоиз, ушбу қонун лойи-ҳасининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, муҳокамалар ўтказиш ва тақ-лифлар олиш мақсадида Олий Маж-лис Қонунчилик палатаси депутатла-ри, Марказий сайлов комиссияси ҳамда Адлия вазирлиги вакилларидан иборат тарғибот гуруҳлари Қорақал-поғистон Республикаси, Тошкент шаҳ-ри ва вилоятларда аҳоли билан бир қатор учрашувлар ўтказди. Ўз навба-тида, 18 — 20 октябрь кунлари Қо-рақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бириктирилган гуруҳлар то-монидан маҳаллий депутатлар, сайлов

комиссиялари, сиёсий партиялар, но-давлат нотижорат ташкилотлари ва ОАВ ходимлари иштирокида ташкил этилган тадбирларда қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазалар, тақлиф-лар олинди.

Худудларда олиб борилган мулоқот-ларда аён бўлдики, халқимиз мамла-катимизнинг эртанги кунига, тараққиё-тига асло бефарқ эмас. Айниқса, лойиҳа билан юртимизда аралаш сай-лов тизимига ўтилиши тақлиф қили-наётгани юзасидан кўплаб муносабат-лар билдирилгани сайловларни про-фессинал, очиқ ва демократик тарз-да ташкил этиш ва ўтказиш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эгаллигини на-моён қилди.

Шу ўринда Конституциявий қонун лойиҳасининг муҳим жиҳатларига тўхталиб ўтсак. Аввало, ушбу ҳужжат билан сайловларнинг мажоритар ва пропорционал тизимини назарда ту-тувчи қоидалар Сайлов кодексига ки-ритилиётганини таъкидлаш керак. Бу эса Ўзбекистон Республикаси тари-ҳида биринчи маротаба Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов жараён-лари аралаш — “мажоритар ва про-

порционал” тизимида амалга ошири-лиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Сайлов кодексига сай-лов комиссияларининг вертикаль тизи-мини назарда тутувчи қоидалар, хусу-сан, “Марказий сайлов комиссияси — ҳудудий сайлов комиссияси — туман ва шаҳар сайлов комиссияси — округ сайлов комиссияси — участка сайлов комиссияси” тузилмаси тақлиф этил-моқда. Марказий сайлов комиссияси барча комиссиялар ишларини муво-фиқлаштириб, уларга раҳбарлик қили-ш назарда тутилмоқда.

Чет давлатларда бўлган фуқарола-римизнинг сиёсий иродасини рўёбга чиқариш ҳамда улар берган овозни ўзларига алоқаси бўлмаган бошқа сай-лов округи ҳисобига ўтказиш каби но-тўғри амалиётдан воз кечиш мақсади-да хориздаги фуқароларимиз Қонун-чилик палатаси сайловида пропорци-онал тизим бўйича овоз беришда қат-нашиши тақлиф этилмоқда.

Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар сайлови натижаларини бел-гилаш тартиби ҳам такомиллаштирил-моқда. Амалдаги қонунчиликда сайлов-да иштирок этган сайловчилар яри-дан кўпининг овозини олган номзод сайланган ҳисобланади, яъни мутлақ кўпчилик овоз талаб қилинади. Ушбу талаб Президент сайловига нисбатан тўғри қўланилган бўлиб, бундан мақ-сад сайлов ҳуқуқига эга бўлган мам-лакат аҳолисининг мутлақ кўпчилиги танлаган шахсгина Президент лавози-мига муносиб кўрилади. Бундай ама-лиёт ақсарият хорижий мамлакатлар-да ҳам мавжуд.

Шу билан бирга, бир нечта сайлов

округларидан сайланадиган депутатлик-ка номзодларга нисбатан бу каби қоида-ни қайта кўриб чиқиш зарурати мавжуд. Чунончи, бошқаларга нисбатан кўпроқ овоз олган депутатликка номзод сай-ланмас экан, ўша ҳудуддаги нисбатан кўпчилигининг фикри ва хоҳиш-истаги амалга ошмай қолади. Шу сабабли бир мандатли сайлов округларида бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз ол-ган депутатликка номзод сайланган, деб ҳисобланиши белгиланмоқда. Яъни мут-лақ кўпчилик эмас, балки нисбий кўпчи-лик овози билан депутатлар сайланиши назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида сайлов комиссияларининг ваколатла-ри қайта кўриб чиқилиши баробарида сиёсий партияларнинг парламентдаги ролини янада оширишга қаратилган қоидалар киритилмоқда. Аини чоғда шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш мақсадида участка сайлов ко-миссияси биносида танишиб чиқиш учун осиладиган сайловчилар рўйҳа-тига ҳар бир сайловчининг фақатгина фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган йилини кўрсатиш билан чек-ланиш тақлиф этиляпти.

Мухтасар айтганда, мазкур ҳужжат-нинг қабул қилиниши сайлов ва рефе-рендум тўғрисидаги қонунчиликни янги тахрирдаги Конституциямизга муво-фиқлаштирида, парламентни шакл-лантиришининг янги замонавий тизими-ни йўлга қўяди ҳамда ушбу жараёнда сиёсий партияларнинг иштироки ва ро-лини янада оширади.

Зухра ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Спикери ўринбосари.

Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамаси якуни натижалари

ОЛИБ БОРГАН ТАРҒИБОТЛАР НАТИЖАСИДА ҚОНУН ЛОЙИҲАСИГА КЕЛИБ ТУШГАН ТАҚЛИФ ВА МУНОСАБАТЛАР



лойиҳасига масъул Корруп-цияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида умумлаштирилмоқда.

Алоҳида қайд этиш жоизки, Конституциявий қонун лойиҳа-сининг мазмун-моҳиятини кенг аҳолига содда ва раvon тил-да етказиш бўйича Қонунчилик палатаси депутатлари раҳбар-лигида тарғибот гуруҳлари ту-зилган.

Тарғибот гуруҳларига Қонунчилик палатасининг 24 нафар депутати, Марказий сайлов комиссиясининг 6 на-

жасида референдум ва сай-лов тўғрисидаги қонунчилик янги тахрирдаги Конституция-га мувофиқлаштирилади, қўйи палата депутатлари корпусини шакллантириш-нинг мажоритар-пропорцио-нал шаклига асосланган сай-лов тизими жорий этилиши-нинг ҳуқуқий асослари яратилади.

Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
Парламент ахборот
маркази.

Фуқаролар манфаатларининг ишончли ва самарали кафолати

Шунингдек, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғри-сида”ги Қонунда пенсионерларга ҳисоб-ланган, лекин улар томонидан талаб қилиб олинмаган пенсияларни олиш муддати икки бараварга, яъни ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгача узайтири-лиши назарда тутиляпти.

— Мазкур қонун лойиҳасида бир қатор муҳим янгиликлар ўз ифодасини топган, — дейди ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Жавлонбек Эргашев. — Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши пен-сионерларнинг моддий фаровонлигини яна-да юксалтиришга, пенсия микдорининг қайта ҳисоб-китобида инфляция дара-жасини ҳисобга олиш тизими жорий этилишига, ногиронлиги бўлган шахс-ларнинг ижара муносабатларига оид ҳуқуқларини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшади.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тай-ёрлаш жараёнида фракция аъзолари то-монидан берилган тақлифлар инобатга олингани ва лойиҳа матнида асқ эти-рилгани, ҳужжат матни янада такомил-лаштирилиб, маромига етказилганили-гини ҳисобга олган ҳолда уни қўллаб-қув-ватлади.

Болалар омбудсманини сайлаш тартиби жорий этилмоқда

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида”ги қонун лойиҳасини муҳока-ма қилиш жараёнида унинг аҳамиятли жиҳатларига тўхталиб ўтдилар.

Таъкидланганидек, ушбу қонун лойи-

кавий вакиллари лаво-зимлари жорий этил-япти.

Муҳокамалар даво-мида депутатлар қонун лойиҳасини ишлаб чи-қишда хорижий тажи-ба ҳам эътиборга олинганми, деган са-вол билан қонун та-шаббускорларига юз-ланди.

Уларнинг айтишича, қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда Норвегия, Дания, Шве-ция, Финляндия, Янги Зеландия, Кана-да, Австрия, Россия, Қозоғистон каби мамлакатлар тажрибаси ўрганилган.

Қизгин давом этган савол-жавоблар-дан сўнг депутатлар қонун лойиҳасини маъқуллади.

Таъсирчан механизмларни яратиш зарурати

Ўзбекистон “Адолат” социал-де-мократик партияси фракцияси йиги-лишида бир қатор қонун лойиҳалари би-лан бирга, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам атроф-лича кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда миллий қонунчилигимизда бола ҳуқуқла-ри билан боғлиқ бўлган қонун ҳужжат-лари сони 40 дан, қонуности ҳужжатла-ри эса 500 дан ортиқни ташкил этади. Бу эса бола ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилик билан иттисошлашган ҳолда иш олиб бориш ҳамда унинг ижроси бўйича таъсирчан механизмларни яратиш заруратини юзага келтирмоқда.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳаси-

да бола ҳуқуқларига доир кўплаб усту-вор вазифалар ўрин олганки, лойиҳа-ларига олис ҳудудларда интернет ва алоқа қамровини ошириш учун шароит-ларни кенгайтиришга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, лойиҳа билан ма-ҳаллий йўлдош алоқа тармоғини лойи-ҳаллаштириш, қуриш, улардан фойдала-ниш ва хизматлар кўрсатиш учун мав-жуд давлат божларини камайтириш ор-қали маҳаллий йўлдош алоқа турлари-ни кўпайтириш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун кенг имкониятларни яратиш назарда тутилмоқда.

— Қонун лойиҳасида белгиланаётган нормалар маҳаллий йўлдош алоқанинг янада ривожланишига ва тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун кенг қўла-ми имкониятлар вужудга келишига, уларнинг йўлдош алоқа тармоғини қуриш учун зарур харажатларни камай-тиришга хизмат қилади, — дейди Қонун-чилик палатаси депутати Шохиста Тургунова.

Қизгин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан маъқуллади.

Маҳаллий йўлдош алоқа турлари кўпаяди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари “Ўзе-бистон Республикаси Олий Мажлиси-нинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига фракция нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндашди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳа-сида бола ҳуқуқларига оид қонунчилик талабларининг ижросини ўрганиш, бола ҳуқуқлари таъминланиши мониторинги, имконияти чекланган, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар-нинг ижтимоий мослашувига кўмак-лашиш, боланинг ҳуқуқларига риоя ҳамда уларни ҳимоя қилиш ҳолати бўйи-ча жамоатчилик хабардорлигини таъ-минлаш Болалар омбудсманининг асосий вазифалари этиб белгиланмоқда.

Депутатлар қонун лойиҳасини атроф-лича муҳокама қилиб, уни қўллаб-қув-ватладилар.

«Халқ сўзи».

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЁШЛАР ФОРУМИ — навкирон авлод ҳуқуқларини таъминлашдаги янги босқич



Тадбирда сўзга чиққанлар Марказий Осиё ёшлар форуми унинг иштирокчилари учун ёшлар ҳуқуқлари ва имкониятларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш механизмлари бўйича зарурий би-

лимларга эга бўлиш, ўзаро тажриба алмашиш, долзарб гоё ва лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун қўлай ахборот-маърифий ҳамда амалий муҳокама-мунозара майдонига айланишига ишонч билдирди.

Шундан сўнг анжуман ўз ишини унча ялпи мажлис доирасида давом эттирди.

Форумда миллий ва хорижий экспертлар, Марказий Осиё мамлакатлари ёшлар ташкилотлари етакчилари, ёшлар парламентлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар вакиллари, жами 800 дан ортиқ иштирокчилар қатнашди.

Форумни ташкил этишда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Олий комиссар бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий бўлими, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчи-

си офиси, БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, Фридрих Эберт номлидаги жамғарма каби халқаро шериклар билан яқин ҳамкорликда иш олиб борилди.

Форумнинг ёпилиш маросимида ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бўйича халқаро, минтақавий ҳамда миллий тажриба ва ёндашувлар муҳокама қилинди. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Душанбеда бўлиб ўтган Маслаҳат учрашуви якунида минтақавий манфаатларини таъминлаш йўлида яна бир муҳим амалий қадам қўйилди. Яъни Қозо-

ғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасида ёшларга оид сиёсатнинг умумий йўналишлари тўғрисида битим имзоланди.

Барча давлатлар сиёсатида ёшлар ҳуқуқларини интеграция қилишнинг ҳуқуқий, маъмурий ва сиёсий асосларини такомиллаштириш йўллари ҳамда воситаларини ишлаб чиқиш бўйича аниқ тасвиялар илгари сурилди. Бундай амалий ёндашув БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшиш имконини бериши таъкидланди.

Шу асосда халқаро форумнинг якуний ҳужжати — Ёшлар ҳуқуқлари бўйича Марказий Осиё декларацияси лойиҳаси ишлаб чиқилиб, муҳокама қилинди.

ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ҚУЛАЙ МАЙДОН



Қайд этилганидек, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар давлат фуқаролик хизмати тизимини илғор ҳориж тажрибаси асосида ислоҳ қилиш заруратини кўрсатмоқда. Шу ўринда, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунни ҳаётга самарали татбиқ қилиш учун хориж тажрибасида ўзини оқлаган замонавий механизм ва технологияларни қўллаш кун сайин долзарб масалага айланиб борапти.

Анжуман доирасида Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатларнинг ўзлари алоқалари янги босқичда ривожланиб бормоқда, — дейди Самарқанд вилояти ҳокимлиги ташкилий кадрлар гуруҳи раҳбари Бехзод Раҳматуллаев. — Бу, ўз навбатида, ушбу давлатлар ўртасидаги муносабатларни янада яхшилашга хизмат қилляпти. Бугунги ййғилиш ҳам ушбу давлатларнинг мазкур йўналишдаги тажрибасини ўрганиш ва шу билан бирга, биздаги маҳаллабй ишлаш ҳамда “маҳалладан — республикага” бўлган тизимни тақдимот этиш учун қўлай майдон вазифасини ўталяпти. Мулоқот натижасида имзоланадиган муҳим қарорлар келгуси фаолиятимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилади, деб ўйлайман.

Анжуман доирасида Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатларнинг инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш бўйича раҳбарлари ўз тажрибалари юзасидан тақдимот ўтказди. “Замонавий давлат бошқаруви шароитида раҳбар кадрларнинг салоҳиятини оширишнинг долзарб масалалари” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Давлат хизмати соҳасида олиб борилаётган халқаро ҳамда минтақавий тадқиқотларнинг натижалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, кадрлар сиёсати ва давлат хизматидagi замонавий трендлар, янги гоёлар ҳамда ёндашувлар муҳокамаси давомида раҳбар кадрлар захирасини шакллантириш ва у билан самарали ишлаш бўйича илғор тажрибалар ўртоқлашилди. Истеъдодли шахслар, хусусан, ёшларни давлат хизматига кенг жалб қилиш борасида ўзаро тажриба алмашилди.

— Туркий давлатлар

Абдулўзиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

Матильда БОГНЕР, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий бўлими раҳбари:

Мазкур форумни аҳолисининг қарийб ярмини ёшлар ташкил этадиган Марказий Осиё минтақасида ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича бирдамлик ва ҳамкорлиқнинг рамзи, десак, муболага эмас. Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида Ўзбекистон

Президенти Шавкат Мирзиёев ёшлар соҳасида яна бир муҳим ташаббус — БМТ ҳузурида Марказий Осиё ёшларини ривожлантиришга қўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этишни тақлиф қилган эди. Ушбу ташаббус минтақа ёшлари ҳуқуқларини таъминлаш ва амалга оширишдан энг юқори даражада манфаатдорлигининг аққол намунаси бўлди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан самарали фойдаланиш учун муҳим бўлиб, бағрикенглик, камситмаслик, тенглик, низоларнинг олдини олиш ва экстремизмга қарши курашишга ёрдам беради. Самарали инсон ҳуқуқлари таълими нафақат инсон

ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш механизмлари ҳақида билим беради, шунингдек, кундалик ҳаётда инсон ҳуқуқларини илгари суриш, ҳимоя қилиш ва амалга ошириш учун зарур бўлган кўникмаларни ҳам ривожлантиради.

Форумнинг биринчи ялпи мажлисида келгусида ёшлар ҳуқуқлари соҳасидаги амалий ишлар ва сиёсий ташаббуслар учун пойдевор бўлиб хизмат қиладиган қарорлар ва тасвиялар ишлаб чиқиш учун амалий тақлифларни илгари сурдик.

Мемет ЖАКУ, ЕХХТ амалдаги раисининг ёшлар масалалари бўйича махсус вакили:

— Ёшлар ҳуқуқларини ҳимоялаш тизимини ривожлантириш соҳасига тааллуқли бир қатор илғор восита ҳамда стандартлар дунё микёсида муҳим ўринларини эгаллаб тургани аини ҳақиқат. Бу восита ва стандартларнинг ақсарияти БМТ доирасида қабул қилинган бўлиб, кейинги 30 йилда ёшлар ҳуқуқлари ҳимояси бўйича халқаро ҳужжатлар сони 10 тадан ошгани ҳам бунинг аққол тасдиғидир.

Форумнинг иккинчи ялпи мажлисида

ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш учун халқаро ҳамда минтақавий восита ва механизмларнинг қўлланилиши соҳасини таҳлилдан ўтказдик. Ёшлар ҳуқуқлари ҳамда имкониятлари ҳимояси механизмларининг самарадорлигини ошириш бўйича ўзаро фикр алмашдик.

Биз, ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муҳимлиги борасида жамиятнинг хабардорлиги ва тушунчасини оширишга қиришишимиз, бу йўналишга қаратилган сиёсат ва қонунчиликни тартиб этиш ҳамда қўллаб-қувватлашимиз зарур. Бунда ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг энг мақбул амалиёти ва самарадор механизмларига тааллуқли илғор тажрибаларни ўрганиш алоҳида ўрин тутати, албатта.

Дарья КОШЕЛЕВА, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг ёшлар бўйича мутахассиси (Женева):

— Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 75 йиллиги доирасида ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қизғин фаолиятнинг пешқадамлари бўлган ёшлар ўз ҳуқуқларини амалга ошириш асосида турли қийинчиликларга дуч келаётганини ҳисобга олган ҳолда, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий

комиссари бошқармаси томонидан Ёшлар ҳуқуқлари бўйича маслаҳат гуруҳи таъсис этилган. Унинг асосий вазифаси инсон ҳуқуқларини таъминлаш фаолиятида изчил иштирок этиш, ёшлар сиёсатида оид ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш соҳасидаги ташаббусларни дастаклашдан иборат.

Шу маънода, Марказий Осиё ёшлар форумининг учинчи ялпи мажлисида ёшларнинг турли гуруҳлари учун инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий тўсиқлар ва муаммоларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратдик. Жумладан, миллий ва минтақавий даражаларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ёшлар инсон ҳуқуқлари бўйича келгуси йилларда қандай ўзгаришлар бўлишини тасаввур этиши ва келажақда инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлаш учун қандай мажбуриятни олишгани ҳақида фикр алмашдик.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

Дил сўзи

ДАВЛАТ ТИЛИГА ҲУРМАТ — ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқини Ўзбек тили байрами кунин билан табриқлар экан, давлат тилини ривожлантириш бошқа тиллар ва маданиятлар равнақи билан уйғун бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлади.

Ўзбек тили жаҳондаги бой ва қадимий тиллардан бири, халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёрқин ва бебаҳо маҳсули сифатида ўз нуфузига эга. Бу тил сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланиб, халқаро минбарларда янграмоқда. Хорижий мамлакатларда ўзбек тилига эътибор ва уни ўрганишга қизиқиш кучаймоқда.

Дарҳақиқат, она тилимиз сўнгги йилларда том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни юртимизда эркин ва озод, фаровон ҳаёт қуришдек буюк марраларга сафарбар этадиган беқиёс куч сифатида майдонга чиқди.

Ўзбек тили асрлар синовидан безавол ўтиб келаётган буюк ва бебаҳо маънавий бойлиқдир. Уни янада бойитиш, барча соҳада давлат тилида иш юритиш сифатини яхшилаш, хусусан, ахборот-коммуникация йўналишида уни фаол қўллашда наинки адабиётчилар ва тилшунослар, балки ўз она тилини севган, тилга эътиборсиз, бефарқ бўлмаган ҳар бир ватандошимиз масъул бўлиши керак, деб ўйлайман.

Ҳозирги ахборот коммуникациялари жадаллик билан ривожланаётган бир пайтда ўзбек тилининг электрон миллий корпуси ва дастурий маҳсулотларнинг иловаларини яратиш, интернет тармоғида оммалаштириш ва муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, давлат тилини ўргатишга ҳамда матн таҳририга мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш ҳар қачонгидан ҳам ўта долзарб ва буни асло кечиктириб бўлмайди. Шунингдек, лотин графикаси асосидаги алифбони такомиллаштиришни якунига етказиб, ўсиб келаётган ёш авлодга мукамал лотин ёзуви қўлланмаси асосида таълим-тарбия беришга ўтишимиз лозим.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг Ўзбек тили байрами кунин билан халқимизга йўллаган табриғи, тилни асраш, ривожлантириш бўйича қўйилган вазифалар ҳар биримизга катта масъулият оқляйди.

Исломжон ЁКУБОВ, Алишер Навоий номидagi Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори.

Таълимда Финляндия услуги

Анджон вилоятининг Марҳамат туманида таълимнинг Финляндия услубини жорий этишга киришилди. Бунинг учун лойиҳа қиймати 29 миллиард сўмдан иборат янги таълим муассасаси барпо қилинмоқда.

Изланиш

— Ушбу таълим маскани 550 ўринли бўлиб, у мактабгача таълим ташкилотидан олий таълимгача бўлган босқични ўзида қамраб олади, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари Дилхўшбек Исмоилов. — Фанлар бўйича синф хоналарининг мавжудлиги ўқувчиларнинг чуқурлаштирилган таълим олишларига имкон

беради. Қолаверса, замонавий касблардан бири — маркетинг йўналишида ҳам машғулотлар олиб борилади. Синфдошларидан ортда қолаётган ўғил-қизлар билан якка тартибда шуғулланилади. Спорт, маданият ҳамда таълим йўналишида юқори натижаларни қайд этган ўқувчиларга грантлар ва хаттоки кешбёклар бериб борилади.

“Ёш дипломатлар” МЧЖ томонидан ташкил этилаётган ушбу лойиҳа қурилиш

ишлари якунланиб, муассаса ўз фаолиятини бошлағач, ўқувчилар ёзги таътил даврида ҳам таълимдан узилиб қолмайди. Бунинг учун “Таълим йўлини” ёзги оромгоҳи йўлга қўйилиб, унда ўқувчиларга интерфаол усулда таълим берилади.

Умуман олганда, Марҳаматда таълим соҳасида янгица йўналиш орқали фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол ҳамда етук кадрлар сифатида вояга етишлари учун қўлай муҳит яратилмоқда.

Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).

САМАРҚАНД МАДАНИЙ ТУРИЗМНИНГ ХАЛҚАРО ПОЙТАХТИГА АЙЛАНАДИ

Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Бош ассамблеясининг 25-сессиясининг Самарқанд шаҳрида ўтказилиши дунё ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг халқаро майдонда очик, фаол ривожланиб бораётган мамлакат сифатида эътироф этилишининг яна бир далилидир, десак, аини ҳақиқат.

Мушоҳада



Кувонарлиси, халқаро ҳамжамият диққат-эътиборида бўлиб турган йили жараён — Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеясининг 25-сессиясида 178 давлатдан ташриф буюрган туризм соҳаси етакчилари Самарқандда жам бўлди.

Янада эътиборлини, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеясининг 25-сессияси тантанали очилиш маросимида сўзлаган нутқи орқали мазкур глобал сайёҳлик ташкилотининг қўллаб нуфузли вакиллари мамлакатнинг туристик жозибаси ва тараққиётини аниқ ҳис этгани рост.

Албатта, мамлакатда тез суръатлар билан ривожланаётган ушбу истиқболли соҳа давлат сиёсатида устуворлик касб этаётгани бежиз эмас. 2017 йилдан бошлаб туризм бошқа соҳалар қатори жадал ривожлантирилиб, давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан би-

рига айланди. Қисқа вақт ичида қўллаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами, жумладан, туризм тўғрисидаги қонун қабул қилиниб, мазкур соҳани босқичма-босқич ислоҳ этиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди.

Бунда Президентимиз томонидан олиб борилаётган очик ва прагматик ташқи сиёсат асосида ақин дўст ҳамда ҳамкор давлатларнинг сайёҳлари ва ишбилармон доира вакиллари учун яратилаётган дўстона ҳамда бағрикенглик муҳити муҳим аҳамият касб этаётир.

Хусусан, сўнгги йилларда салкам юзта мамлакат фуқаролари учун Ўзбекистонга визасиз кириш тизими, яна 55 та давлат фуқаролари учун соддалаштирилган электрон виза тартиби жорий этилди.

Сайёҳлик бизнесининг барча турини юритиш учун қўлай шарт-шароитлар яратилди, солиқ ва божхона имтиёзлари тақдим этилди, кредит ҳамда молиявий ёрдам қўчайтирилди. Меҳмонхона ўринлари сони 140 мингга етказилди, 70 та янги сайёҳлик маршрутчи очилди, 6 та хусусий авиакомпания иш бошлади.

Аҳамиятлиси, Ўзбекистонга келаётган хорижий сайёҳлар сони икки баробар қўнайиб, туризм экспортдан тушаётган даромад 4 баробар ўсди. Аини чоғда юртимиз тез ривожланаётган туризм маскани ва энг хавфсиз давлат сифатида халқаро рейтингларда юқори ўринларни эгаллаётганлиги, қисқа айтганда, Ўзбекистон учун “ташриф қоғози”га айланиб улгурди.

Мамлакатимиз етакчиси сессияда энг долзарб муаммо — туристларнинг қафолатланган хавфсизлик тизимини таъминлаш масаласини ўртага ташлади ва бунинг ҳуқуқий ечимини кўрсатиб берган ҳолда БМТ доирасида Глобал хавфсиз туризм кодексини ишлаб чиқиш тақлифини билдирди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг “яшил” туризмни ривожлантириш бўйича халқаро Харакатлар дастурини қабул қилиш тақлифи иқлим ўзгаришлари тобора кучайиб бораётган даврда ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамиятга эгадир.

Айниқса, Президентимиз томонидан илгари сурилган 2025 йилни “Бутунжаҳон инклюзив туризм йили” деб эълон қилиш ва махсус декларация имзолаш ташаббуси инклюзив туризм инфратузилмасини ривожлантириш учун муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

Сессиядаги жаҳон ҳамжамияти томонидан алоҳида эътироф этилган воқелик — давлатимиз раҳбари делегатларни Самарқандни “Мада-ний туризмнинг халқаро пойтахти” деб эълон қилиш ва тегишли декларацияни имзолашга доир ташаббусни қўллаб-қувватлашга қақиргани бўлди. Бу тақлиф Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти янада юқори даражага қўтарилишига бир ишора, десак, муболага эмас.

Тадбирлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузурида Самарқандга “Маданий туризмнинг халқаро пойтахти” мақомини бериш тўғрисида декларация ҳамда Бутунжаҳон туризм ташкилотининг Халқаро туризм академиясини ташкил этиш тўғрисида битим қабул қилинди.

Бу мизани англатади? Дунёдаги бугунги мураккаб вазиятда Ўзбекистон яшаш ва ишлаш, таълим олиш, илмий кашфиётлар яратиш учун тинч ва хавфсиз макон сифатида тан олингани, йирик

инвесторлардан тортиб ёш тадбиркорлар ва олимлар учун барча лакаатда яратилганининг халқаро эътирофи бўлди, десак, хато эмас. Эндиликда туризм соҳаси шиддат билан тараққий этар экан, халқаро муносабатлар мамлакат иқтисодиётининг барча йўналишда ўзининг юқори натижасини кўрсата бошлайди. Жумладан, Бош ассамблея доирасида туризм соҳасидаги етакчи компаниялар, олий таълим муассасалари ва ташкилотлар иштирокида инвестиция ва таълим формуллари ҳам бўлиб ўтади. Демак, таълим форумлари, қўшма дастурлар ва халқаро лойиҳалар орқали олий таълим муассасаларига қўпроқ ташқи инвестиция қиритишга қўлай имконият ва пухта замин ҳозирланмоқда.

Туризм тараққиёти борасида амалга оширилаётган ислохотлар, ўз навбатида, биз олий таълим тизими вакиллариини чексиз қувонтирган қачонки ҳалқаро алоқалар, миллатлараро маърифат, маданият, илмий тадқиқотлар, илғор тажрибалар, таълим инновацияси ривожига ҳам хизмат қилади.

Яқинда бир асрлик тарихга ва олий таълим тизимига юқори салоҳиятга эга бўлган Фарғона давлат университети Буюк Британиянинг нуфузли “Times Higher Education” (THE) агентлиги рейтингда қуруқликдаги экотизимларни асраш бўйича 401+ натижа кўрсатиб, “TOP 1000+” рўйхатига кирга-

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимизда нафақат туризм, балки барча соҳадаги ислохотлар орта қайтмайдиган реал ҳақиқатга айланган. Амалга оширилаётган ўзгаришлар ўз натижасини бериб, тараққиёт сари дадил одимлар ташланмоқда. Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеясининг 25-сессиясида илгари сурилган тақлиф ва ташаббусларнинг ҳаётга татбиқ этилиши эса Ўзбекистоннинг туризм соҳасида янги давр бошланишидан далолат бermoқда.

Баҳодиржон ШЕРМУХАММАДОВ, Фарғона давлат университети ректори, педагогика фанлари доктори, профессор.

Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигига

БУЮК АЛЛОМАНИНГ БОЎҚИЙ ИЛМҲИЙ МЕРОСИ

XXI аср бутун дунё илмий жамоатчилиги, табиий фанлар тадқиқотчилари эътирофига кўра улуг ватандошимиз, буюк мутафаккир, қомусий олим Абу Райҳон Беруний шарафига Беруний асри сифатида тарих зарварақларига кирди.

Бу бежиз эмас, албатта. Аллома ўз умри давомида турли фанларга оид 150 дан ортиқ асарлар ёзган бўлиб, унинг бу илмий тадқиқотлари жуда кўп тилларга таржима қилинган, дунё олимлари томонидан ўрганилган ва амалиётда қўлланилиб, оламшумул натижаларга эришилди. Хусусан, бугунги ривожланиш палласи — фан технологиялари, фазовий тадқиқотлар ривожига Абу Райҳон Берунийнинг улкан ҳиссаси бор.



ропа Уйғониш даврининг натижалари сифатида адабиёт ва санъат асарлари, архитектура дурдоналари, тиббиёт ва инсонни англаш борасида янги кашфиётлар юзга келган бўлса, Шарқ Уйғониш даврининг ўзига хос хусусияти, аввало, математика, астрономия, физика, химия, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ ва табиий фанларнинг, шунингдек, тарих, фалсафа ва адабиётнинг ривожланишида намоён бўлади.

Ўрта асрларда Шарқ илм-фани ривожига Хоразм Маъмун академияси алоҳида ўрин тутган. Улкан кутубхона, мадраса, таржимон ва хатотлар мактаби каби тузилмаларга эга бўлган бу даргоҳда юздан ортиқ алломалар, истеъдодли талабалар илмий изланишлар олиб борган. Абу Наср ибн Ирок, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Хўжандий, Аҳмад ибн Муҳаммад Хоразмий каби қомусий олимларнинг умумбашарий тафаккур ривожига қўшган ҳиссаси беқиёсдир.

Хоразмшоҳ Берунийни “Дорул ҳикма”га раҳбар этиб тайинлайди ва ўзининг яқин маслаҳатчиси сифатида мамлакат сиёсий ишларига ҳам жалб қилади. Энди у сиёсий арбоб сифатида ҳам шакллана боради. 1009 йили Хоразмшоҳ Али ибн Маъмун вафот этиб, тахтга унинг иниси Абул Аббос Маъмун ибн Маъмун ўтиради. 1017 йил Хуросон ва Афғонистонда ҳукмронлигини ўрнатган Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни босиб олади. Барча машҳур хунармандлар, олимлар қатори Беруний ҳам Ғазна-

келтирилади. Мазкур асар геология, география ва геодезия ҳамда Ер ҳақидаги бошқа фанлар ривожига ҳам катта ўрин тутди.

Берунийнинг бизгача етиб келган асарларидан яна бири — 1029 йили Ғазнада ёзилган “Аттафҳим”дир (“Мунажжимлик санъати (астрология) негизларини тушунтириш китоби”). Асар саккиз бобдан иборат бўлиб, унга киритилган савол ва жавоблар арифметика, алгебра, геометрия, астрономия, география, хронология ва бошқа фанларни ўз ичига олган ва бугунгача Беруний яшаган даврдаги фанларга оид асосий билимларнинг йиғиндиси сифатида баҳоланиб келинади.

Қомусий олимнинг энг йирик ва машҳур илмий-тарихий ишларидан бири “Хиндларнинг ақлга сиғадиган бири” ҳиндларнинг таълимотларини аниқлаш” китоби бўлиб, қисқача “Хиндистон” деб аталади. Дунёнинг кўп олимлари, шу жумладан, ҳозирги хинд олимлари ҳам ўрта асрлардаги илмий адабиётда бу асарга тенг келадигани бўлмаган, дея унга юксак баҳо берган.

Асарнинг ёзилишига Маҳмуд Ғазнавий Хиндистонга юриши чоғида олимни маслаҳатчи сифатида ўзи билан бирга олиб кетгани туртки беради. Беруний бу ерда хинд халқининг машҳур олимлари билан яқиндан танишди, улар билан биргаликда илмий ишлар олиб боради. Шу ерда Ернинг радиуси ва айланасининг аниқ ўлчамини олади. Ана шу изланишлар алломга мазкур мамлакат ҳақида ўлмас асар ёзишга имкон яратди.

Беруний хинд маданий ёдгорлик-

лома унда маҳаллий аҳоли ҳаётининг турли томонлари, урф-одати, тарихи, фани, диний эътиқодлари, хинд тили ва ёзуви, грамматикаси, оғзаки адабиёти, шеърляти, фалсафаси, адабий мероси тўғрисида батафсил маълумот беради. Мамлакатдаги аниқ фанларга эътибор қаратади.

Айниқса, хинд астрономияси, географияси, коинот ҳақидаги тушунчалари, сайёралар, ёриткичлар, уларнинг ҳаракатлари, ой манзиллари, кўтб тўғрисида ўз мулоҳазаларини ёзади. “Хиндистон” асарининг бир неча боби замон ва вақт, оламнинг пайдо ва йўқ бўлиш муддатлари, сўтқа ва кун, ой ва йилларнинг бўлак-лари ҳамда уларнинг турлари ҳақидаги хиндлар тушунчаларига бағишланган. Никох, оливалый маросимлар, меросхўрлик масалалари ҳам ушбу китобдан ўрин олган. Асар хиндларнинг астрология санъатида тутган йўл-йўриқлари, усул-қоидаларини баён этган саксонинчи боб билан тугалланади.

Умуман, “Хиндистон” асари мазмун-моҳияти ақлни ҳайратда қолдирадиган даражада муқаммаллиги билан олим яратган асарлар ичда умрбоқий шоҳасарлардан бири ҳисобланади.

Илмлар қомуси

“Хиндистон” ёзиб тугатилган йили Маҳмуд Ғазнавий вафот этиб, унинг ўғли Масъуд тахта ўтиради. Янги ҳукмдор улуг олимга илтифотлар қўрсаиб, уни ўзига яқин тутди. Чунки шахзода ҳали навқирон пайтдаёқ Беруний унга араб тилини ўргатган, устоз ёрдами туфайли Масъуднинг қалбида илм-фанга ҳавас уйғонган эди. Ана шуларни эътиборга олган Масъуд алломани ўз ҳимоясига олиб, унга яхшигина ижодий шароит яратиб берди, моддий қўллаб-қувватлади.

Беруний ўзининг фазошуносликка оид асари — “ал Қонун ал-Масъудий” (“Масъуд қонунини”) китобини Султон Масъудга бағишлади. Аслида, Беруний ер ва осмон ҳақидаги барча тўплаган билимларининг мажмуи сифатида катта бир асар ёзиш ниятида бўлиб, Маҳмуд Ғазнавий даврида бу кенг қамровли ишни амалга оширишининг иложи бўлмаган эди. Масъуд давлат теласига келгач, нихоят шундай имконият туғилди ва 1031 йилдан бошлаб олим ушбу бўлғуси шоҳасарини ёзишга киришди. Олти йил иштиёқ билан меҳнат қилди ва асарни битказди. Китоб ўн битта бўлимдан (буни муаллиф ўн битта мақола деб атади) иборат бўлиб, ҳар бир бўлим маълум бир илмий соҳанинг тасвир ва таҳлили билан бир-биридан ажралиб туради.

Ўрта аср олимлари Берунийнинг бу асарини математика ва астрономия бўйича унганча ёзилган ҳамма китоблардан устун эканини эътироф қилган ҳолда унга барча даврларда “Ўрта Шарқ илмларининг қомуси” деб баҳо берганлар.

Берунийнинг бизгача етиб келган асарлари рўйхатида “Қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйича маълумотлар тўплами” (“Минералогия”) ҳамда “Доривор ўсимликлари ҳақида китоб” (“Китоб ас-сайдана фи-т-тибб”), яъни “Дорилар билими” китоблари ҳам бор. Уларда ер ости қазилма бойлиқларига оид маълумотлар ҳамда доривор ўсимликларнинг тула тавсифи берилди.

Хуллас, Абу Райҳон Берунийнинг илм борасида қамраб олинмаган биронта фан соҳаси қолган эмас, десак, муболага бўлмас. У шундай кенг қамровли олим эдики, академик И. Крачковский таъбири билан айтганда, олимнинг қизиққан соҳаларини санаб чиқшдан кўра, қизиқмаган соҳаларини санаб чиқиш осонроқдир. Алломанинг илмий мероси шундай буюк чашмаки, ундан баҳра олгани сайин у қайнайверади ва барчани баҳраманд қилиб, чанқоғини қондиради. Мухтасар айтганда, авлодларга бекисё маданий мерос қолдириб кетган ушбу буюк алломанинг ҳаёти, илмий фаолияти ва асарлари ҳали-хануз дунё олимлари учун туганмас илҳом манбаи, бугунги ва келажак авлодлар учун фахру ифтихор ва ибрат мактабидир.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Куёшнинг чошгоҳдаги баландлигини ўлчашга муваффақ бўлган, 22 ёшида ўзи яратган астрономик ускуналар ёрдамида Ер шарининг глобусини ихтиро қилган. Бу дунё олимлари томонидан инсоният тарихида яратилган буюк кашфиётлардан бири сифатида тан олинади. Беруний поляк астрономи Николай Коперникдан деярли беш ярим аср муқаддам Ернинг Куёш ва ўз ўқи атрофида айланишини илмий асослаб берган. Италия олими Галилео Галилейдан 600 йил аввал фанда инерция ҳодисасини кашф қилган. Хинд ва Атлантика океанлари ўзаро туташлигини исботлаб, Христофор Колумбдан беш юз йил аввал океан ортида куруқлик, яъни қитъа мавжудлигини башорат қилган. Сайёраларнинг орбита бўйлаб ҳаракатлиши қонидасини математик усулда исботлаган. Бу қоида 1619 йилдан Европада “Кеплер қонуни” деб атала бошланган.

Бироқ зодагонлар ўртасидаги тўхтовсиз тахт талашлар ёш олимни Ватанини ташлаб чиқиб кетишга мажбур қилади. У дастлаб Каспий денгизи Жанубида жойлашган Журжон шахрига, сўнгра Техрондаги Рай шахрига боради. У ерда ўз замонасининг таълиқ астрономи Абу Маҳмуд Хўжандий билан танишади. Устоз ёш олимга ўзининг расадхонасини кўрсатади ва уни ўзи ясаган астрономик асбоб — секстант билан таништиради. Улар биргаликда кузатишлар олиб боришади. Кейин Журжонга қайтиб, табиб, фалакийётчи ва файласуф Абу Саҳл Исо ал-Масихий билан танишади, ундан таълим олади. Шаҳар ҳукмдори Қобус ибн Вашингир ёш олимни ўз ҳимоясига олади, ижод қилиши учун шароит яратиб беради.

“Осори ал-боқия”

Беруний Журжонда “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” (“Осори ал-боқия”) деб номланган илмий-тарихий асарини ёзади. Олим эндигина 27 ёшга тўлганда ёзилган бу китоб кўпгина мамлакатларга тарқалади ва унга катта доврўқ келтиради. Китобнинг 1879 йилда немис шарқшунос олими Э. Захau томонидан инглиз тилига, 1943 йилда Техронда Акбар Сайрафий томонидан форс тилига, 1957 йилда арабшунос олим М. Салъе томонидан рус тилига таржима қилингани бу асар қарийб минг йилдан кейин ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганини билдиради.

Асарда астрономия ва математиканинг кўп масалалари, тарихий воқеалар, турли миллат ва динларга оид маълумотлар, пайгамбарлар, подшоҳлар, тарихда ўтган машҳур шахслар ҳақида қизиқарли воқеа-ҳодисалар баёни берилган. “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”нинг А. Расулов томонидан ўзбек тилига таржима қилиниши мамлакатимизда улуг қомусий олим Абу Райҳон Беруний илмий меросини ўрганишдаги энг муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

Уша даврларда маърифатпарвар, мутафаккир ва файласуфлар, олимлар ва шоирлар, одатда, ҳукмдорлар ва султонлар саройларида панох топган. Хоразмда нисбатан биров тинчлик ўрнатилгач, Хоразмшоҳ Али ибн Маъмун ташаббуси билан Гурганджа 1004 йили “Дорул ҳикма” (Маъмун академияси) деб аталган илмий марказ ташкил этилади ва унга дунёдаги таълиқ олимлар тақлиф қилинади. Бундан хабар топган Беруний Хоразмга келади ва ижодий ишларини давом эттиради.

Уша даврда Марказий Осиё жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги Ренессанс жараёналарига ижобий таъсир қўрсатган. Шарқ Уйғониш даври — Шарқ Ренессанси сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақиқи равишда тан олинган. Агар Ев-

“Дунёнинг машҳур олимларидан бири Каве Фаррох ёзганидек, “Агар шундай кўп қиррали буюк истеъдод эгалари — Ал-Хоразмий, Беруний, Умар Хайём илму фанга ўз ҳиссасини қўшмаганида, дунёда балки ҳеч қачон ракета қурилмалари ёки компьютерлар ихтиро қилинмаган бўларди”.

га олиб кетилади ва ўша ерда илмий ишларини давом эттиради.

Ғазнавий эътироф этган олим

Маҳмуд Ғазнавий ҳаёти ва фаолияти ҳали тулиқ ўрганиб чиқилгани йўқ. Шўро сиёсати барча ҳукмдорларни “қора рўйхат”га киргизгани боис унга нисбатан тарих фанида ҳамон салбий қарашлар сақланиб, “Маҳмуд қатагон” нисбати бериб келинмоқда. Аслида у тарихини, астрономияни, географияни яхши билган, ёзган дилбар ғазалларининг баъзидан қисмларга етиб келган. Маъмун академияси олимларининг Ғазнага қўриқлиши ҳам унинг илм-фанга эътиборидан далолат, аслида.

Беруний Ғазнада бошлаган фаолияти давомида Гурганджада бошлаб қўйган “Геодезия” асарини ёзишга киришади ва унга қарийб олти йил умрини сарфлайди. Асарнинг тула номи “Аҳоли ашайидиган жойлар орасидаги масофаларни аниқлаш учун (лозим) ўринларнинг чегараларини белгилаш” деб номланади. Асарда турли фанларнинг ҳамда оламнинг пайдо бўлиши, хусусан, куруқлиқнинг Ер марказига муносабати, Арабистон сарҳоси, Миср ери, Журжон, Хоразм ва бошқа ҳудудларнинг, шунингдек, Амударё, Нил дарёларининг, океанларнинг пайдо бўлиш тарихи илмий асослаб берилди. Аҳоли яшайдиган ерларнинг иқлимларга бўлиниши, Ой тутилиши ва унинг ўринларини аниқлашдаги аҳамияти борасида муҳим маълумотлар

Ихтиро

ҒИЖДУВОНЛИК ЙИГИТ ИННОВАЦИОН МОТОЦИКЛЬ ЯРАТДИ

Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидаги Янгиобод маҳалласига қарашли Варозин қишлоғида яшовчи Анвар Баракаевни айни куч-қувватга тўлган чоғида тақдир қаттиқ синовга рўбарў қилди. Бахтсиз ҳодисага йўлиқиб, икки оёғидан ажралди. Аммо у бу кўргулик қаршисига бўйин эгмади, тушкунликка тушмади. Ногиронман, деб боқимандалик этагидан тутмади. Яшашга бўлган иштиёқ ва қизиқиш уни ўқиб-ўрганишга, ишлашга ундади.



2006 — 2009 йилларда Тошкентда ногиронлиги бўлганлар учун ихтисослаштирилган республика касб-хунар коллежида тахсил олди. Шундан сўнг қишлоққа қайтиб, ўрганганларини амалда қўллашга киришди.

Гап шундаки, Анвар техникага қизиқади, мотоцикл таъмирлайди. Табиатан янгилликка ўч, истеъдодли. Автоуловларни созлаётди, уларга нимадир бир янгиллик киритишга ҳаракат қилади.

Биз уни излаб борганимизда ҳам бу тиниб-тинчимас йигит навбатдаги буюртма устида ишлаётган экан.

— Михозлардан бири “Шундай қилгинки, у антика мотоцикл бўлсин”, дея буюртма берди, — дейди Анвар. — “Минск” ва “Восход” мотоциклларининг устун жиҳатларини уйғунлаштириб, қўриб турганингиз ушбу кўринишга келтирдим. Унда электр тизими ўзгарди. Ўз-ўзини қувватлантирадиган бўлди. Бошқача айтганда, махсус мослама механик энергияни электр энергияга айлантириб беради. Мотоцикл ўт олдирилмаган паллада ҳам унинг чироғи 2,5-3 соат давомида ёниб туришига қуввати етади. Ундан чоғроқ супани кечқурун ёритиб туришда ҳам фойдаланиш мумкин. Аккумуляторининг ён-атрофга зарарча зийни йўқ.

Ўртимизда мотоциклга қизиқувчилар анча-мунча топилади. Шу боис буюртмалар ҳам кўп. Уста уларни бажараётганида тегишли идоралар тавсияларига амал қилади. Хизмат ҳақи олаётди инсофни ўнқутмайди. Топгани рўзғорига барака киритмоқда.

Ногиронлик аврачасида ўтириб ишлаётган Анварнинг ҳаракатларини кузатарканмиз, тўрт мучаси соғ бўла туриб, ялқовликини ўзига касб қилиб олган, “Олма пиш, оғзимга туш” қабилида яшашга одатланган айрим кишилар кўз олдимизга келди. Улар учун бу уста йигитнинг ҳаёти, интилишу иштиёқи ибрат бўлғулик, албатта.

Дарвоқе, мабодо, ўртимиз қишлоқларидаги энг кичик ҳовлилар рўйхати тузилса, Анвар Баракаев оиласи билан яшашга уй унинг олд қаторидан ўрин олиши тайин. Ҳовли атиги икки сотихдан иборат. Отамерос бу ерда Анвар маҳалла, қишлоқдошлари қаюғида иморат тиклаган. Усталилик ишларини ҳам шу кафтдек ҳовлида бажаряпти.

— Яқинда тумандан, маҳалладан масъуллар келиб, шароитимиз билан танишиб кетишди, — дейди у. — Хавфсиз шарт-шароитда ишлашнинг учун бўш ерда контейнер ўрнатиб берадиган бўлишди. Агар қулайлик яратилса, фаолиятини кенгайтиришим, икки-уч ёшни шоғирдикка ҳам олишим мумкин.

Дарҳақиқат, изланувчан, камтар, ўз ишининг фидойиси бўлган бу йигитга тегишли ташкилотлар ёрдам қўлини чўзса, уни қўллаб-қувватласа, ихтиросини патентлаштиришига кўмак беришса, айни муддао бўларди. Ахир ногирон бўла туриб, янгиллик яратишга, ихтиролар қилишга иштиёқманд кишилар ҳар кун тугилавермайди.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюртма Г — 1041. 32 669 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоши келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларини юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопилхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.



Таҳририятта келган қўлашмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.28

Топширилди — 02.00

1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиев.
Мусахҳас — Ш. Машраббоев.